
Сух туманидаги йўлларнинг асосий қисмига бетонли қоплама ётқизилади

Сух туманидаги йўлларнинг асосий қисмига бетонли қоплама ётқизилади

Айтиш мумкинки, бугун Сух тумани Президентимизнинг алоҳида эътибори туфайли тарақиёт ва ривожланишнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Буни туманимизга кириб келаётган машиналар карвонидан ҳам кўришимиз мумкин. Бугун эрталаб туманимизга Ўзбекистон-Қирғизистон чегара назорат-ўтказиш пункти орқали навбатдаги трейлерлар карвони кириб келди. Юк машиналарига йўлсозликда ишлатиладиган машина ва механизмалар ортилган.

- “Бевосита Ўзбекистон Республикаси автомобил йўллари давлат Қўмитаси томонидан туманимизга 50 га яқин машина ва механизмлар юборилди. 2020 йил 3 июн куни туманимизда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов бошчилигида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида туманимиз йўлларининг аянчли аҳволи ҳақида сўз борган ва мана бугун ҳаммамиз берилаётган эътибор самарасини кўряпмиз”, - дейди Сух туман автомобил йўллари бўлими бош муҳандиси Нурулло Жалолов.

Маълумот ўрнида: туманда 26 километр 4R-149 Риштон-Сух йўналишидаги давлат аҳамиятидаги йўллар, 62 километр узунликдаги маҳаллий автомобил йўллари, 88 километр умумий фойдаланувдаги йўллар мавжуд. Туман ички йўлларининг умумий масофаси 385 километрни ташкил этади.

Туманга юборилган машина-механизмлардан ташқари, 83 нафар мутахассислар ҳам сафарбар этилди. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида 50 нафар Сухлик ёшлар ҳам туман автомобил йўллари бўлимига ишга қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси автомобил йўллари давлат Қўмитаси мутасаддийларининг маълумотига кўра, туманда жами бўлиб, 182 километр масофадаги йўлларда қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилган. Бу йили 45 километр масофадаги йўллар таъмирланади. Барча лойиҳа-сметалар туманнинг ўзида амалга оширилади. Йўлларнинг ҳаракат қисмига асосан бетонли қоплама ётқизилади. Шағалли йўлларга бетон қопламаси ётқизилиб, тупроқли йўлларнинг шағаллаштрилиши режага киритилган.

Сух тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-06-12 15:38:42